



O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi www.uzbovozi.uz info@uzbovozi.uz



2025 ЙИЛ – АТРОФ-МУХИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙИЛИ



ЮРТИМИЗНИНГ ЯШИЛЛИК ДАРАЖАСИ ЯНАДА ОРТАДИ

Хавонинг ифлосланиши инсон саломатлиги учун энг жиддий таҳдидлардан бирига айланди. Маълумотларга кўра, дунёда ҳар йили 9 миллионга яқин одам ҳаво, tupроқ ва сувнинг ифлосланишидан вафот этади. Экологик муаммоларнинг чуқурлашиши, истеъмолга яроқсиз сув, чанг-тўзонлардан яна миллионлаб кишилар, биринчи навбатда болалар, аёллар, кексалар соғлигига зиён етмоқда.

Мана шундай шароитда глобал иқлим ўзгаришлари, атмосферанинг ифлосланиши, қурғоқчилик ва чўлланишга қарши курашнинг бирламчи ечими яшил иқтисодиётга ўтиш, энергия самарадорлигини ошириш, экологик тоза транспорт

турларини ривожлантириш ҳисобланади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда 2030 йилга қадар яшил майдонларни 30 фоизга етказиш режалаштирилган. Ушбу мақсадда сўнгги уч йилда республика бўйича жами 736 млн туп дарахт ва бута кўчатлари экилди.

Бу ишларни фаол давом эттириш, “Ўзбекистон-2030” стратегиясини Атроф-муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни изчил ҳаётга татбиқ қилишга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Давлат дастурига кўра, жорий йилда маҳаллаларнинг экологик қиёфасини яхшилаш, кўчаларнинг яшиллик даражасини ошириш, экологик жиҳатдан қулай ва фаровон яшаш муҳитини

шакллантириш чора-тадбирлари янги босқичга кўтарилади. Аҳоли учун барпо этилаётган пиёдалар ва алоҳида велосипед йўлаклари бўйида дарахтлар ва ўсимликларни экиш орқали «Соёли сайр кўчалари» тармоғи яратилади, сохил ва дарё бўйларида 80 та инфра-тузилма объекти ва 110 километрдан ортиқ соғломлаштириш йўлаклари барпо этилади. «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ва «Менинг боғим» лойиҳаси доирасида 200 миллион туп дарахт ҳамда буталар экилиши, «яшил боғлар» ва «яшил жамоат хиёбонлари»да қуёш панеллари ёрдамида қувватланувчи ёриткичлардан фойдаланиш ҳам кўзда тутилмоқда.

4 САҲИФАДА

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

БАЪЗИ МАЖБУРИЯТЛАР КУЧАЙТИРИЛДИ,

АЙРИМ МАСАЛАЛАРДА ЕНГИЛЛИК ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА



ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ, БИЛАМИЗКИ, “НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА”ГИ ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ. СЎНГГИ ПАЙТЛАРДА ҚОНУН ИЖОДҚОРЛИГИ ЖАРАЁНИ АНЧА КЕНГАЙДИ ВА ТАКОМИЛЛАШДИ. МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР СИФАТИ, ҲАЁТИЙЛИГИ, АМАЛИЁТДАГИ САМАРАДОРЛИГИГА ОИД ТАЛАБЛАР ОШИДИ. ТАБИЙКИ, БУ ЖАРАЁН ИСЛОҲОТЛАР, ТУРМУШ ТАРЗИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР, ЗАМОНАВИЙ КАСБ-ҲУНАРЛАР, УМУМАН, ЖАМИЯТДАГИ ЯНГИ ҚАРАШ ВА ТУШУНЧАЛАР БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚДИР. ШУ МАЪНОДА ҚОНУНЧИЛИК ҲАМ БУГУНГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ҚАТОР ЯНГИ МОДДАЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛАДИ, БОЙИТИЛАДИ.

2

СЎЗ – ЎЗХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

ХАЛҚ ЭҲТИЁЖЛАРИДАН УЗИЛИБ ҚОЛМАЙЛИК...

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПАРТИЯ КЕНГАШИ РАИСИНИ ЭШИТАМИЗ!

БУГУН ЖОЙЛАРДА ҲАЁТ ҚАЙНАГАН, ИСЛОҲОТЛАР КўЛАМИ КЕНГ. ҲАР ҚАДАМДА ЎЗГАРИШЛАРГА ГУВОҲ БўЛАМИЗ. АНА ШУНДАЙ МУҲИМ ПАЛЛАДА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДАГИ ХДП ДЕПУТАТЛАРИ НИМАЛАР БИЛАН МАШҒУЛ, ЖОЙЛАРДАГИ ПАРТИЯМИЗ ТАШКИЛОТЛАРИЧИ? АНА ШУ САВОЛЛАРГА ЖАВОБ ТОПИШ МАҚСАДИДА ЎЗХДП ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИГА БОРДИК. МАҚСАДИМИЗ ВИЛОЯТ ПАРТИЯ КЕНГАШИ РАИСИ, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИДАГИ ЎЗХДП ДЕПУТАТИ АКМАЛ УМАРАЛИЕВ БИЛАН СУХБАТЛАШИШ ЭДИ.



5

ОИЛАДА – ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА – ИЛҒОР

Анжанага кўра, нафосат ва ўзгаллик айёми — Халқаро хотин-қизлар кўни муносабати билан меҳнат фаолияти ва жамоат ишларида намуна кўрсатган бир ғуруҳ опа-сингилларимиз Президентимизнинг тегишли Фармонида мувофиқ давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзолари ҳам бор.

4

СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

БИРГАЛИКДА ВА МУРОСАСИЗ



ДАРАХТ ТАНАСИГА ТУШГАН ҚУРТ НА УНИНГ КўККА БўЙ ЧўЗИБ, БАРҚ УРИБ ЯШНАШИГА ЙўЛ Беради, НА МЕВА ТУГИБ, ҲОСИЛ КўТАРИШИГА... ҲАТТО МИНГ ЙИЛЛИК ЗАБАРДАСТ ЧИНОР ҲАМ БУ БАЛОИ ОФАТ ДАСТИДАН ЗАЙФЛАШИБ, ЕРГА ҚУЛМОҒИ ТАЙИН. БУГУН ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ РИВОЖИГА ЖИДДИЙ ҒОВ БўЛАЁТГАН ИЛЛАТ – КОРРУПЦИЯ ХУДДИ ШУ КАБИДИР. У НАФАҚАТ МАМЛАКАТДАГИ БАРҚАРОР ҲАЁТНИ ИЗДАН ЧИҚАРАДИ, БАЛКИ ОДАМЛАРНИНГ ҲУКУМАТГА, КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРНИНГ АМАЛДА ИШЛАШИГА БўЛГАН ИШОНЧНИ ИҲҚОТИШИ, ХАЛҚДА ТУШКУНЛИК, УМИДСИЗЛИК КАЙФИЯТИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШИ МУМКИН. КОРРУПЦИЯНИНГ ХАВОҲ-ХАТАРИ, ОҒИР ОҚИБАТИ ҲАМ МАНА ШУНДА.

3

«АСАБИЙ» БОҒЧА ОПАЛАР КЕЛТИРАДИГАН САЛБИЙ ОҚИБАТЛАР

Яқинда ижтимоий тармоқларда Самарқанд вилояти Жомбой туманидаги 25-сонли давлат боғчасида тарбиячи болаларни калтаклагани акс этган видео тарқалди. Унда тарбиячи, дастлаб болаларга бақиргани, сўнгра улардан бир нечасининг бошига ургани ва силтаганини кўриш мумкин.

Шунингдек, Сергелидаги боғчада тарбиячининг калтаклаши оқибатида боланинг оёғи синди. Тошкентдаги хусусий боғчада тарбиячи болани уриб, ҳақоратлади. Юнусобод туманидаги хусусий боғчада тарбиячи ва унинг ёрдамчиси овқат емагани учун тарбияланувчини курсига «скотч»лаб қўйди.



6

ФРАКЦИЯ МУҲОКАМАСИ

БАЪЗИ МАЖБУРИЯТЛАР
КУЧАЙТИРИЛДИ,АЙРИМ МАСАЛАЛАРДА ЕНГИЛЛИК
ТАКЛИФ ЭТИЛМОҚДА

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ, БИЛАМИЗКИ, "НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН БИЛАН ТАРТИБГА СОЛИНАДИ. СЎНГИ ПАЙТЛАРДА ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИ ЖАРАЁНИ АНЧА КЕНГАЙДИ ВА ТАКОМИЛЛАШДИ. МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР СИФАТИ, ҲАЁТИЙЛИГИ, АМАЛИЁТДАГИ САМАРАДОРЛИГИГА ОИД ТАЛАБЛАР ОШИДИ. ТАБИЙИКИ, БУ ЖАРАЁН ИСЛОҲОТЛАР, ТУРМУШ ТАРЗИМИЗДАГИ ЎЗГАРИШЛАР, ЗАМОНАВИЙ КАСБ-ҲУНАРЛАР, УМУМАН, ЖАМИЯТДАГИ ЯНГИ ҚАРАШ ВА ТУШУНМАЛАР БИЛАН БЕВОСИТА БОҒЛИҚДИР. ШУ МАЪНОДА ҚОНУНЧИЛИК ҲАМ БУГУНГИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ҚАТОР ЯНГИ МОДДАЛАР БИЛАН ТЎЛДИРИЛАДИ, БОЙТИЛАДИ.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси йиғилишида кўриб чиқилган қонун лойиҳаларида таклиф қилинаётган ўзгаришлар ҳам табиий жараёнлар билан боғлиқ экани асос қилиб кўрсатилди.

45 ФОИЗ ҚИДИРУВДАГИ ШАХС
ЎЗБЕКИСТОНДАН ТАШҚАРИГА
ЧИҚИБ КЕТГАН

Статистик маълумотлар таҳлилига кўра, сўнги 4 йилда республика бўйича жиноят содир қилиб, тергов ва судлардан яширинган 39 038 нафар шахсга нисбатан қидирув эълон қилинган. Уларнинг 45 фоизга яқини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига чиқиб кетган.

Ваҳолонки, тегишли қонун ҳужжатларида гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилмаган бўлса-да Ўзбекистон Республикасидан чиқиб ҳуқуқини вақтинча чеклаш тартибини жорий этиш белгиланган. Бунда суриштирув, дастлабки тергов ёхуд суддан узрли сабабларсиз бўйин товлаши мумкинлигига етарли асослар мавжуд бўлганда суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судларнинг қарори билан мазкур чеклов ўрнатилди.

Фракция йиғилишида айни масалага оид кўшимча ва ўзгаришларни қамраб олган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Ташаббускорларга кўра, жиноят-процессуал қонунчиликда процесс иштирокчиларининг Ўзбекистондан чиқиб ҳуқуқини вақтинча чеклашни назарда тутувчи норма мавжуд эмаслиги процесс иштирокчиларининг давлат ҳудудини тарқ этиб, суриштирув, тергов ва суддан бўйин товлаб юришларига шароит яратиб бермоқда.

Бу эса, ўз навбатида, тергов ва суд жараёнларининг чўзилишига, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ўз вақтида тикланиб, одил судловни таъминлашга тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабли, Жиноят-процессуал кодексини шахснинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб ҳуқуқини вақтинча чеклаб қўйишни назарда тутувчи мажбурият чораси кўрсатилган янги боб билан тўлдириб таклиф қилинмоқда.

Йиғилишда кўрилатган мазкур қонун лойиҳаси билан таклиф этилаётган моддаларнинг концепциясига депутатлар муносабат билдирди.

Хусусан, Фирдавс Шарипов чиқиб ҳуқуқини вақтинча чеклаб қўйиш масаласи бекор қилинишига оид меъёр механизми тўлиқ очиб берилмаган, деган фикрни билдирди. Масалан, чиқиб ҳуқуқини вақтинча чеклаб қўйиш суриштирув ва дастлабки тергов босқичида жиноят иши тугатилганда, суд муҳокамасида эса жиноят ишини тугатиш ҳақида ажрим чиқарилганда ёки ҳукм қонуний кучга кирганда бекор қилиниши лозим экани кўрсатиб ўтилган. Бироқ жиноят иши суриштирув тугатилмасданок ушбу чорага зарурат қолмаганда, суриштирувда ёки терговда кимнинг қарори ёхуд қандай ҳужжат асосида бекор қилиниши ҳақидаги тушунчага оидинлик киритиш зарур.

Ташаббускорлар қарор, ажрим ва ҳукм асосида бекор қилинишни таъкидлади. Агар бунга қадар ҳам зарурат юзага келса, терговчи ёки прокурорда процессуал чорани бекор қилиш ҳуқуқи қонунчиликда мавжуд эканини қайд этди.

Депутат саволга берилган жавоб қонунда акс этмагани, очиқланмагани таъкидлади. Ташаббускорлар

кейинги ўқишга таклифлар асосида тузатиш киритадиган бўлди.

ЎТТИЗ КУНДАН ТЎҚСОН
КУНГА ЎЗГАРТИРИЛАДИ

Йиғилишда муҳокама қилинган қонун лойиҳаларидан бири "Махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзити тўғрисида"ги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш билан боғлиқ. Унга кўра, транзит рухсатномасини бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза олинган кундан эътиборан йигирма кундан ошмайдиган муддатда қабул қилиниши белгиланган. Шунингдек, мазкур муддатни узайтиришга асос бўлувчи ҳолатларни ҳамда узайтириш мумкин бўлган муддат чегарасини аниқ кўрсатиш назарда тутилган.

Бироқ Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитини давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш тўғрисида"ги 2002 йил 21 февралдаги қарори билан мазкур муддат йигирма кундан ошмаслиги зарурлиги қайд этилган.

Бундан ташқари, Қонунда ушбу муддатни узайтиришга асос бўлувчи ҳолатлар ҳамда узайтирилиши мумкин бўлган муддат чегараси аниқ белгиланмаган.

Ташаббускорлар махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитига рухсатнома бериш ёки уни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза олинган кундан эътиборан йигирма кундан ошмайдиган муддатда қабул қилинишига оид ўзгаришни таклиф этмоқда. Зарур ҳолларда мазкур муддат бир ойгача узайтирилиши мумкинлигини белгилаш ҳам назарда тутилмоқда.

Шу билан бирга махсус юклар ва ҳарбий таркибларнинг транзитига рухсатноманинг амал қилиш муддатини амалдаги ўттиз кундан тўқсон кунга ўзгариш таклиф этилмоқда.

Таъкидландики, мазкур лойиҳанинг қабул қилиниши транзит ташувларнинг ҳажминини оширишга хизмат қилади. Бундан ташқари, логистика тизимини ривожлантириш ва миллий қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этиш ҳамда транспорт соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришга олиб келади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, фракция аъзолари қонун лойиҳасининг концепциясини қўллаб-қувватлади.

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН
ЖАМИЯТ НИМАГА ВА ҚАНДАЙ
ҲОЛАТДА ЖАВОБГАР БЎЛАДИ?

Таҳлилларга кўра, амалдаги "Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида"ги қонунни янада такомиллаштириш тақозо қилинмоқда. Шундан келиб чиқиб, қатор ўзгаришлар фракция йиғилишида кўриб чиқилди.

Ташаббускорларнинг фикрича, қонунчиликдаги баъзи бўшлиқларнинг тўлдирилиши жамият иштирокчилари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари кафолатларини янада мустаҳкамлашга, улушларнинг алдов ёки фирибгарлик йўли билан ўзлаштирилишига йўл қўймаслигини таъминлашга ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилади.

Ўз навбатида, бу мулкдорлар синфининг янада ўсиши ва ривожланишига, хусусан, инвестиция муҳити ривожланишига, фаол хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга кириб келишига замин яратади. Масалан, лойиҳада жамият нафақат лицензия, балки бошқа рухсат этувчи ҳужжатлар ва хабардор қилиш тартибиде фаолият турлари билан шугулланиши мумкинлиги назарда тутилмоқда. Жамиятларнинг филиали ва ваколатхоналарини очиб ҳамда шўъба ва қарам хўжалик жамиятлари тартиблари алоҳида модда сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, жамият иштирокчиларига ўз корпоратив ҳуқуқларини амалга ошириш тўғрисида корпоратив шартномалар тузиш каби яна ўнга яқин ҳуқуқлари кафолатланмоқда.

Депутат Анвархон Темировга кўра, қонун лойиҳаси билан бир қатор муаммоларга қонуний чоралар белгиланмоқда. Бироқ баъзи масалаларда тушунча кенг очиб берилмаган. Масалан, лойиҳада жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади, деб кўрсатилмоқда. Қандай ҳолатда, нимага нисбатан жавобгар бўлишига оидинлик киритиш сўралди.

Ташаббускорларга кўра, жамият ва жамиятда ижро органи деган икки хил тушунча бор. Ижро органи жамият фаолиятига бевосита жавобгар ҳисобланади. Шунингдек, жамият иштирокчилари деган тушунча ҳам бор. Умумий қоидага кўра, таъсисчи жамият учун жавоб бермайди. Яъни, таъсис ҳужжатларида назарда тутилган жамиятнинг умумий мулкига жамият иштирокчилари жавобгар эмаслиги, уларнинг жавобгарлик даражаси ва чегарасига оид масалада бўшлиқ бор эди. Таклиф этилаётган ўзгаришлар билан бу борада жавобгар аниқ белгиланмоқда.

ҲОМИЙЛИК ФАОЛИЯТИ ВА
МАҲҚУМЛАРГА ЕНГИЛЛИК
БЕРИШ

Фракция йиғилишида тузулиш йўлига ўтган маҳқумларга енгиллик беришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Фракция аъзоси Зухра Шадиева маҳқумларнинг тузулиш йўлига ўтган йўли қандай мезонларга асосан таъкидланиши ва қандай назорат қилиниши ҳақида мутасаддиларга савол билан юзланди. Қонун ташаббускорлари бу масалада республика Маънавият ва маърифат маркази ходимларидан иборат экспертлар жамоаси жалб этилганини билдирди. Депутат холис ва профессионал мутахассислар хулоса бериши зарурлигини, жараёнда мустақил экспертлар иштирок этиши, очик, шаффоф тизим шакллантирилиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларида ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришларни киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокамадан ўтказилди.

Фракция аъзоси Иба Наризова юртимизда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик билан шугулланиши кенгайтириш, лекин ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартиби, мезонлари қонунчиликда аниқ белгиланмагани сабабли айрим фарз ниятли шахслар ишончга кириб, манфаатдорлик пайида бўлаётгани, бундай хабарлар ОАВда чиқиб турганини таъкидлади. Бундай муаммолар ҳолатларнинг олдини олиш бўйича қонун лойиҳасида таъсир чоралари назарда тутилган-тутилмаганини сўради.

Қонун ташаббускорлари лойиҳада ҳомийлик хайрияларини йиғиш тартибини бузишнинг олдини олишга, ҳомийлик ташкилотлари фаолиятининг шаффофлигини оширишга хизмат қиладиган меъёрлар белгилаётганини маълум қилди. Депутатлар бундай ёндашувни қўллаб-қувватлашни қайд этиб, қўшимча мулоҳазаларини ҳам билдирди.

Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳалари юзасидан ўз фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирди. Хусусан, қонун лойиҳалари ҳуқуқий муносабатларни осонлаштириши, ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиши кераклиги, тўғридан-тўғри ишлаш механизмларига эга бўлиши зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Фракция аъзолари қонун лойиҳаларини маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилди.

Шунингдек, фракция йиғилиши якунида Президент томонидан ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида кўтарилган масалалар якунлари, хусусан, юртимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинган ишлар самарадорлиги, келгуси вазифаларни амалга ошириш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Фракция раҳбари Улуғбек Иноятов ушбу йиғилишда Президентимиз томонидан парламент ва партиялар олдида қўйилган вазифалар ижросини таъминлашга фаоллик билан ёндашув зарурлигини таъкидлади. Қолаверса, қабул қилинаётган қонунларда коррупцияга қарши курашишга доир янги ёндашувлар асосида ишлаш кераклигига алоҳида ургу берилди. Ҳар ойнинг якунида депутатларнинг ўз сайлов округларига чиқилган баробарида уларнинг соҳавий фаолиятига биноан ҳудудларда коррупциявий ҳолатлар, унинг ижтимоий сабабларини аниқлаш юзасидан ўрганишлар ташкил этиш таклифи ҳам илгари сурилди. Келгусидаги фаолиятни билдирилган мулоҳаза ва таъсирлар асосида олиб бориш белгиланди.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ
САРҲИСОБИ

Ўзбекистон ХДП Каттақўрғон шаҳар Кенгаши ташаббуси билан «Чордара» маҳалла фуқаролар йиғинидаги бошланғич партия ташкилотиде ҳисобот йиғилиши ўтказилди. Унда бир қатор масалалар кўриб чиқилди.



Жумладан, 2024 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот тингланди. Шунингдек, йиғилишда Ф.Низомов «Чордара» МФЙ БПТ етакчиси этиб қайта сайланди.

Худди шундай тадбир Ўрта Чирчиқ тумани «Инсон» ижтимоий хизматлар агентлигидаги бошланғич ташкилотда ҳам бўлиб ўтди.

Ҳисобот-сайлов йиғилишларида Атроф-муҳитни асраш ва «яшил иқтисодиёт» йилида амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

ДЕПУТАТ СЎРОВИ ОРҚАЛИ МУАММО
ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Халқ депутатлари Вобкент туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Омон Мухторовга «Шанба» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Ободмахалла, Халқобод ва Шамсиобод кишлоқлари фуқаролари томонидан мурожаат келиб тушган эди.

Унда аҳоли хонадонларида зах кўтарилиши натижасида бир қатор ноқулайликлар юзга келаётгани, шу боис ҳудуддан ўтган захкашни тозалашда ёрдам сўралганди.

Мазкур масала бўйича депутат томонидан туман сув хўжалиги бўлимига депутатлик сўрови юборилди ва махсус техниклар ёрдамида захкаш тозаланди. Натижада зах кўтарилишининг олди олинди.

ЭНГ ФАОЛ БПТ ЕТАКЧИЛАРИ
АНИҚЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Фарғона туман Кенгаши томонидан "Йилнинг энг яхши БПТ етакчиси" кўрик-танловининг туман босқичи ўтказилди.

Танловнинг асосий мақсади — партиянинг мафқуравий голяларини кенг тарғиб қилиш, партия аъзолари орасида ижодий ва илмий салоҳиятга, юксак интеллектуал қобилият ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган кадрларни танлаб олишдан иборат.

Шунингдек, партиянинг бошланғич ташкилотларида рақобат муҳитини яратиш ва фаол, ташаббускор етакчиларни рағбатлантириш масалалари ҳам мақсад қилинган. Бундан ташқари, танлов партия аъзоларининг профессионал ва шахсий қобилиятини баҳолайди. Шу орқали



партиянинг сиёсий ривожини ва кадрлар захирасини таъминлашга эришилади.

МУРОЖААТ АСОСИДА ЎРГАНИШ
ОЛИБ БОРИЛДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан сайланган депутатлар жойларда тизимли равишда ўрганишлар олиб бормоқда.

Хусусан, халқ депутатлари Бекобод тумани Кенгашидаги партия гуруҳи аъзоси Ирода Қодирова "Ўрикзор" МФЙда фуқаролар мурожаатлари юзасидан ўрганиш олиб борди. Аниқландики, маҳалладаги 5 та кўча таъмирталаб ҳолатга келиб қолган.

Шунингдек, маҳалладан чиқиндилар олиб кетилмаётгани, хонадонларга ичимлик суви қувурлари тортилмагани, аҳоли маҳалла бошидаги 1 дон қрандан сув ташиб фойдаланаётгани маълум бўлди. Ушбу масалалар юзасидан мутасадди ташкилотларга хат билан чиқирилиши айтилди.

Депутат шу кунга кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар хонадониде бўлиб, уларнинг турмуш тарзи билан танишиди. Мурожаатлар юзасидан ҳуқуқий тавсиялар берди.

ЎзХДП Марказий Кенгаши
Ахборот хизмати.

СИЁСИЙ ПУЛЬС. МУНОСАБАТ

БИРГАЛИКДА ВА МУРОСАСИЗ



ДАРАХТ ТАНАСИГА ТУШГАН ҚУРТ НА УНИНГ КЎККА БЎЙ ЧЎЗИБ, БАРҚ УРИБ ЯШНАШИГА ЙЎЛ БЕРАДИ, НА МЕВА ТУГИБ, ҲОСИЛ КЎТАРИШИГА... ҲАТТО МИНГ ЙИЛЛИК ЗАБАРДАСТ ЧИНОР ҲАМ БУ БАЛОИ ОФАТ ДАСТИДАН ЗАИФЛАШИБ, ЕРГА ҚУЛАМОҒИ ТАЙИН. БУГУН ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТНИНГ РИВОЖИГА ЖИДДИЙ ҒОВ БЎЛАЁТГАН ИЛЛАТ – КОРРУПЦИЯ ХУДДИ ШУ КАБИДИР. У НАФАҚАТ МАМЛАКАТДАГИ БАРҚАРОР ҲАЁТНИ ИЗДАН ЧИҚАРАДИ, БАЛКИ ОДАМЛАРНИНГ ҲУКУМАТГА, КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРНИНГ АМАЛДА ИШЛАШИГА БЎЛГАН ИШОНЧНИ ИЎҚОТИШИ, ХАЛҚДА ТУШКУНЛИК, УМИДСИЗЛИК КАЙФИЯТИНИ ҲОСИЛ ҚИЛИШИ МУМКИН. КОРРУПЦИЯНИНГ ХАВФ-ХАТАРИ, ОҒИР ОҚИБАТИ ҲАМ МАНА ШУНДА.

5 март куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилиши кенг жамоатчиликни, бошқача айтганда, парламент аъзоларидан тортиб, турли соҳа вакиллари, ёшларимизни бир қадар сергак торттиргани бежиз эмас. Таҳлилий-танқидий руҳда кечган бу йиғилиш ўзи ва фарзандларининг эртасига, эл-у юрт тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир кишини дўппини бир четга қўйиб, бафуржа ўйлаб кўришга ундагани рост.

Аниқки, йиғилишда ўртага ташланган фикр-мулоҳазалар, илгари сурилган тақлифларни тинглай туриб, ислохотларнинг қонунийлигини таъминлаш жараёнарида масъул идора ва ташкилотларгина эмас, жамоатчилик, яъни, сиз-у биз баравар иштирок этишимиз кераклигини яна бир бор чуқур ҳис қилдик. Қонун талабларидан оғиш натижа-сида юзага келадиган коррупцияга қарши курашиш жамиятда умуммиллий вазифага, ҳар биримизнинг виждон ишимизга айланмоғи янги давр талаби эканини теранроқ англадик.

ГЛОБАЛ ТАҲДИД

Жорий йилнинг 11 февраль куни Transparency International халқаро ташкилоти 2024 йил учун Коррупцияни идрок этиш индексини эълон қилди. 180 та давлатдаги коррупция даражаси экспертлар ва бизнес ҳамжамиятлари (оддий одамларнинг эмас!) нинг баҳолари асосида аниқланадиган ушбу рейтингда, икки йилдирки, Ўзбекистон 121-ўринни эгаллаб турибди.

Коррупция геосиёсий курашлар авж олиб бораётган, экологик ва ижтимоий-иқтисодий инқирозлар кўплаб мамлакатларни боши берк кўчага олиб кириб қўйган ҳозирги замонда ҳеч бир давлатни четлаб ўтаётгани йўқ. Ҳаттоки бу жиноятни содир этганлик учун энг олий жазо – ўлим жорий қилинган юртларда ҳам уни таг-томири билан йўқ қилиш имконсиз қолмоқда.

Мутахассисларнинг қайд этишича, эркин оммавий ахборот воситалари, фаол фуқаролик жамияти ва адолатли судларсиз коррупцияни энгил бўлмайди. "Коррупция нафақат ривожланишга тўсқинлик қиладиган, балки демократик таназзул, беқарорлик ва инсон ҳуқуқлари бузилишининг асосий сабаби бўлган глобал таҳдиддир. Халқаро ҳамжамият ва ҳар бир давлат коррупцияга қарши курашини асосий ҳамда узок мuddатли устувор вазифага айлантириши шарт", - дейди Transparency International ташкилоти раҳбари Франсуа Валериан.

Ташкилот ҳисоботида дунё бугун экологик инқирозларга қарши курашда ҳалокат ёқасида тургани, коррупция бу курашни тобора қийинлаштираётгани таъкидланади. Маълум бўлишича, деярли 6,8 млрд инсон – сайёрамиз аҳолисининг 85 фоизи коррупция таъсири сезилаётган давлатларда яшамокда. Бу жуда катта рақам.

Дарвоқе, Коррупцияни идрок этиш индексида кетма-кет етти йилдан буён Дания (90 балл), Финляндия (88 балл) ва Сингапур (84 балл) етакчилик қилиб келмоқда.

ДОИМИЙ ЖАРАЁН

Юқорида келтирилган йиғилишда мамлакатимизда коррупциядан холи муҳит яратиш бўйича қилинаётган ишларга баҳо берилди. Дайтиб ўтилганидек, сўнгги йилларда Янги Ўзбекистон бу иллатга қарши курашишда ўзининг қатъий сиёсий иродасини намоён этмоқда. Айна йўналишда ҳуқуқий ва институционал механизмлар тубдан такомиллаштирилди. "Коррупцияга қарши курашиш" жумласи янги тахрирдаги Конституциямизга киритилди. Парламент палаталарида масъул қўмиталар, Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва Агентлик ташкил қилинди.

Шундай қилиб, жамиятда коррупция муаммосини жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқадиган очик тизим, очик муҳит яратилаётгани, аниққис, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ва таъсири ортиб бораётгани эътироф этилди.

Йиғилишда давлат харидлари, банк, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва таълим соҳаларида инсон омилини камайтириш орқали шаффофлиқни кафолатлаш, моҳиятан қараганда коррупцияга қарши кураш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида маълум

мот берилди. Чунончи, ерни ҳоқим қарори билан ажратишдан тўлиқ воз кечиб, аукцион шаклга ўтказилгани натижасида бу тизим халқчил бўлди. Давлат харидлари бўйича қонун қабул қилингани, танлов ва тендер рақамлашиб, соғлом рақобат бўлгани учун ўтган йили 14 триллион сўм бюджет маблағи тежалгани соҳада дадил ўзгаришлардан далолат беради.

Ёки бугунга келиб, барча банклар 100 миллион сўмгача маиший кредитларни санокли дақиқалар ичида онлайн беряпти. Эсланг, бир пайтлар банклардан бу турдаги кредитни олиш учун одамлар қанча сарсонгарчилик билан рўбарў келар эди...

Мактабгача ва мактаб таълими тизимида ўндан ортик хизмат турлари тўлиқ электрон шаклга ўтказилгани, олий таълим тизими ҳам рақамлаштирилгани коррупция омилларини кескин камайтиради. Аҳоли ва тадбиркорларга "халқ хизматидаги давлат" тамойили асосида хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Хусусан, 120 турдаги хужжатларни талаб қилиш, 160 дан ортик лицензия ва рухсатномалар бекор қилинди. 200 мингга яқин янги тадбиркорлар бозорга кириб келгани, чет эл иштирокидаги корхоналар қарийб 5 қарра ошиб, 23 мингга яқинлашгани бунинг яққол натижасидир.

“

ТАБИЙКИ, ЭНДИЛИКДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШДА ДАВЛАТ ВА ХАЛҚ ЎРТАСИДА КЎПРИК ВАЗИФАСИНИ ЎТАЙДИГАН ДЕПУТАТЛИК КОРПУСИНИНГ РОЛИ ҲАМДА МАСЪУЛИЯТИ СЕЗИЛАРЛИ КУЧАЯДИ. БУ МАСАЛА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ СТРАТЕГИК ЙЎНАЛИШИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ. БИНОБАРИН, СОҲАДА ҚОНУНЧИЛИКДАГИ БЎШЛИҚЛАРНИ ЯХШИ БИЛАДИГАН ҲАМ, УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН ҲАҚЧИЛ, ҲАЁТИЙ ТАКЛИФЛАРНИ БЕРАДИГАН ҲАМ АЙНАН ДЕПУТАТЛАРДИР.

Худди шундай, электрон давлат хизматлари сони 15 қарра ортиб, 721 тага етди, улардан фойдаланувчилар сони 11 миллиондан ошди. "Олдинги 25 йил давомида бу тушунчалар бизга ёт эди. Кўриб-кўрмасликка олинарди. Буларнинг ҳеч бири ўзидан-ўзи бўлгани йўқ. Ҳаммасига машаққатли меҳнатимиз билан эришдик. Энг муҳими, буларнинг ҳисобига аҳоли, тадбиркорлар, орижний ҳамкорларимиз, халқаро ташкилотлар ва инвесторларнинг ислохотларимизга ишончи мустаҳкамланди" - деди давлат раҳбари.

Йиғилишда тараққиётга тушов бўладиган иллат – коррупцияга қарши кураш доимий жараён эканига ўрғу берилди. Бу борадаги долзарб масалалар ва устувор вазифалар кўрсатиб ўтилди. Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, ташкилотлардаги ички назорат тузилмалари фаолияти кучайтирилиши, маиший коррупцияга қарши курашиш бўйича вазирлик, идоралар раҳбарлари масъулияти оширилиши, давлат хизматлари даражасини аҳоли баҳолайдиган тизим йўлга қўйилиб, энг ёмон кўрсаткичга эга соҳа раҳбарларига тегишли чора кўрилиши шулар жумласидандир.

Хуршида ҚАЛАНДАРОВА,
халқ депутатлари Навоий вилоят
Кенгаши депутати:

- Йиғилишда коррупциявий жиноятларнинг 75 фоизи туман ва маҳаллаларда, маиший коррупция шаклида содир этилаётгани танқид қилинди. Бунинг ечими сифатида эндиликда Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари таркиби тўлиқ янгиландиган, уларга вилоят халқ депутатлари Кенгаши раислари бошчилик қиладиган бўлди.

Мазкур ҳудудий кенгашлар коррупциявий омилларни аниқлаб, уларга барҳам бериш учун қонунчиликни ўзгартириш, жазо муқаррарлигини таъминлаш бўйича Миллий кенгашга аниқ тақлиф киритади. Парламентнинг масъул қўми-

талари ҳар бир маҳаллага тушиб, жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ойдинлаштириши, мансабдор шахслар олдига коррупциянинг олдини олиш бўйича масала қўйиши, соҳага оид тақлифлар ишлаб чиқиши, қонунларни такомиллаштириш чораларини кўриши ҳаётий зарурат эканига ҳам диққат қаратилди.

Буларнинг бари нимани аналтади? Табиийки, эндиликда коррупцияга қарши курашда давлат ва халқ ўртасида кўприк вазифасини ўтайдиган депутатлик корпусининг роли ҳамда масъулияти сезиларли кучаяди. Бу масала улар фаолиятининг асосий стратегик йўналиши бўлиб қолади. Бинобарин, соҳада қонунчиликдаги бўшлиқларни яхши биладиган ҳам, уларни бартараф этиш учун ҳақчил, ҳаётий тақлифларни берадиган ҳам айнан депутатлардир.

Шунингдек, Олий Мажлиснинг тегишли қўмиталари қўйишга тушиб, бевосита жамоатчилик вакиллари, тадбиркорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Бундай амалиёт парламент назоратининг самарасини, қонун ижодкорлиги сифатини оширади.

Коррупциявий жиноятлар учун жазони кучайтириш - бу ягона ечим эмас. Ушбу жиноятларнинг олдини олиш, одамларимизда бунга нисбатан муросасиз ва тоқатсиз муносабатни шакллантириш, жиноятни фош этишга ёрдамлашганларни рағбатлантириш бўйича ҳам қонунчиликка ўзгартишлар киритиш, превентив чораларни кенг қўллаш мақсадга мувофиқ, албатта.

ИЛЛАТ ИЛДИЗИ

Яшириб нима қилдик, айни пайтда аҳоли ўртасида давлат хизматчиларининг ҳалоллигига, коррупциявий ҳолатлардан тийилиш тенденцияси мавжудлигига ишонч ҳисси унчалик юқори даражада, дея олмаймиз. Хўш, бунга сабаб нима? Жамиятда коррупциявий жиноятларга узил-кесил барҳам беришга қандай омиллар халал бермоқда?

Ҳақиқат шунки, коррупция йиллатининг илдизи ҳашамат ва дабдабага ўчлик қусурлари билан боғлиқ бўлиб қолмоқда, худди эт билан тирноқ каби.

Фурқат ҲАМИДОВ,
халқ депутатлари Олтириқ туман
Кенгаши депутати:

- Бугун давр янгиланаётгани, одамларимизнинг, жамиятнинг қарашлари ўсиб, ҳаётий мезонларимиз, мақсадларимиз илғорлашгани ҳақида ғурур билан гапирамиз. Аммо шунча ижобий силжишларга қарамай, бир жиҳатимиз - ҳашамат ва дабдабага ўчлигимиз ўзгаргани йўқ.

Ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадриятларимизга зид бу ижтимоий иллат фақатгина тўй-ҳашамларимизда кўринмапти, балки айрим давлат хизматчилари фаолиятида ҳам учраб тургани таассуфли ҳол. Ҳашаматга интилиш эса коррупциявий жиноятларга мойиллик тўғрисида, ўз мансаб ва ваколатларидан моддий манфаат йўлида фойдаланишга йўл очади.

Ҳозирги пайтда дунёда, айниқса, ҳар томонлама тараққий этган жамиятларда минимализм устун эканини кўрамиз. Барча жабҳада қонунларнинг мукамал ишлаши, бюджет маблағларининг тийин-тийинигача мақсадли ва аниқ манзилли сарф этилиши, ҳашаматдан қочиш, амалдорларнинг халқ олдида ҳисобдорлиги – аслида уларнинг ривожланишига мана шу омиллар сабаб бўлган.

Ҳашаматнинг зидди заҳри, яъни, вакцинаси – бу ҳалоллик. Шу маънода парламент ва ҳукумат аъзолари, жамоатчилик вакиллари иштирокида ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари коррупциянинг олдини олиш давлат хизматидаги профессионал ва фидойи кадрларни танлаш ҳамда уларни "ҳалоллик вакцинаси" билан эмлашдан бошланганини алоҳида таъкидлагани кўпчиликнинг кўнглидаги гап бўлди. Бундан буён ишга олишдаги тартиб ва ёндашувларни такомиллаштириш бўйича топшириқлар берилдики, уларнинг рўёбга чиқиши, шубҳасиз, коррупцияга тоқатсиз кадрлар сафи кенгайишига хизмат қиладир.

Бундан ташқари, бюджет ва бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан асосий воситаларни харид қилиш бўйича талаблар кучайтирилиши, давлат хизматчилари даромадини декларациялашга оид қонунни тезроқ қабул қилиш зарурати қайд этилди.

Мансабдор шахслар фаолиятида ҳашаматни чеклаш, шу жумладан, уларнинг транспорт таъминоти даражасини пасайтириш, давлат хизматчиси фаолиятида ҳашаматни кўз-кўз қилиш ҳолатини одоб-ахлоқ кодексини бузиш сифатида баҳолашга доир ғоялар кучли ижтимоий сиёсат тарафдори бўлган Халқ демократик партияси сайловолди дасту-

рида ҳам ўз ифодасини топган. Мақсадимиз эса эзгу - бюджет маблағлари ортикча сарфланшининг олдини олиш, халқ пулини таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя тизimini такомиллаштириш каби долзарб соҳаларга қаратиш, давлат ва жамиятда ижтимоий адолат ҳамда ижтимоий барқарорликни қарор топтиришдан иборат.

ФИКРИ ТОЗА АВЛОД КЕРАК

Муҳсиiddин НИЗОМИДИНОВ,
халқ депутатлари Тошкент вилоят
Кенгаши депутати:

-Коррупцияга қарши курашиш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Йиғилишда Президентимиз мазкур масалада фақат давлатнинг савий-ҳаракати билан қутилган натижага эришиб бўлмаслигини, бу бугун жамиятимизнинг иши эканини айтиб ўтди. Умуман олганда, коррупция ва унга етакловчи лоқайдлик, бепарволик, по-раҳўрлик, сохтакорлик, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш сингари иллатларга қарши кураш бутун жамиятнинг мақсадидаги айланishi кераклиги кўп бора давлатимиз раҳбари томонидан тилга олинади.

Йиғилишда кадрларда фидойилик, коррупциявий жиноятларга қарши курашишда ҳамжиҳатлик етишмаётгани энг катта камчилик сифатида кўрсатиб ўтилди. Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни қадрлаш, кечаги кун билан бугунги кун фарқини яхши тушуниш, маҳаллада, тўй-маърақада ортикча исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳалоллик ва шукроналик билан ҳаёт кечирishi тушунтириш ишлари бўйича жамиятимизда намунали тажрибалар айтилади.

Ёш депутатлар сифатида биз ҳам Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгашига жалб этилиб, ҳозирги ҳал қилувчи жараёнда ўз ғояларимиз, ташаббусларимиз билан фаол бўлишимиз керак.

Ҳозирги кунда ёшларимиз таълим олиш ҳамда меҳнат бозорига кириб, ўз ўрнини топишида турли кўринишдаги коррупциявий ҳолатларга дуч келиши мумкинлигини инкор қилолмаймиз. Бундай вазиятда қонун талабларини бузмаслик, ҳалолликда собит туриш учун ҳам ёшларимиз орасида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, порахўрлик, таъмағирлик каби иллатлардан узоқ бўлиши учун тушунтириш-тарғибот ишла-

“

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БИРГАЛИКДА ВА МУРОСАСИЗ КУРАШСАК, ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАР НАТИЖАДОРЛИгини ХАЛҚИМИЗ СЕЗАДИ, ҚОНУНЛАР АМАЛДА ТўЛИҚ ВА МУКАММАЛ ИШЛАЙДИ, ХУДУДЛАР ҲАЁТИДА ўСИШ, РИВОЖЛАНИШ ВА САМАРАДОРЛИК ЯНАДА ЮҚОРИ БўЛАДИ.

рини мазмунан янгича ва самарали тарзда амалга ошириш керакка ўхшайди.

Президентимиз ҳаммамиз ягона куч бўлиб ҳаракат қилсак, албатта, катта ижобий самарага эришишимиз муқаррарлигини, бутун жамоатчилик бирлашиб, коррупцияга "жамият танасидаги саратон" сифатида қараш кераклигини таъкидлади. Шунинг баробарида фикри тоза, коррупцияга тоқатсиз янги авлодни камолга етказиш бугуннинг устувор вазифалари қаторига киритилди. Келажагимиз эгалари "ҳалоллик вакцинаси" билан эмланган, дабдаба, ҳашамат сингари майда хавасларни эмас, балки катта-катта мақсадларни олдига қўйиб, қалбида халқини, Ватанини севадиган инсонлар бўлиши учун бугун биз ўзгаришимиз керак. Тафаккуримиз, мақсадларимиз бир жойда депсиниб қолмай, юксалишимиз лозим.

Коррупцияга қарши биргаликда ва муросасиз курашсак, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижадорлигини халқимиз сезади, қонунлар амалда тўлиқ ва мукамал ишлайди, худудлар ҳаётида ўсиш, ривожланиш ва самарадорлик янада юқори бўлади.

Фарида МАҲҚАМОВА,
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Анъанага кўра, нафосат ва гўзаллик айёми - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан меҳнат фаолияти ва жамоат ишларида намуна кўрсатган бир гуруҳ опа-сингилларимиз Президентимизнинг тегишли Фармонида мувофиқ давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзолари ҳам бор.

ОИЛАДА – ОҚИЛА, ЖАМИЯТДА – ИЛҒОР

Сўз — мукофотланганларга!



Гулзар МАМБЕТНИЯЗОВА,
Чимбой туман ҳокими ўрин-
босари – оила ва хотин-қизлар
бўлими бошлиғи, “Дўстлик” ор-
дени соҳибаси:

- Озми-кўпми меҳнатим юксак қадрлашиб, “Дўстлик” орденига муносиб кўрилганидан ниҳоятда бахтиёрман. Бу мукофот менга янада куч беради, янги ўзгаришларга дахлдорлик туйғусини қаррасига оширади. Бор билимимни, бор кучимни юрт тараққиёти учун бағишлашга ҳаракат қиламан.

Бугун мамлакатимизда биз, аёлларга барча соҳада ўз салоҳиятимизни намоеъ этишимиз учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Хотин-қизлар ҳар томонлама қўллаб-қувватланыпти. Бу эса амалда ўзининг ижобий натижаларини

бермоқда. Оилада оқила ва фидойи аёлларимиз ҳамма соҳада фаол, етакчига айланаётир. Масалан, ўтган йилги парламент сайловларида Чимбой туманидан сайланган депутатларнинг 40 фоизини аёллар ташкил этди. Олдин бундай кўрсаткич кузатилмаган. Ёки юртимиз олий ўқув юртларида таҳсил олиш учун қорақалпоғистонлик ёшларга 10 мингта кўшимча квота ажратилиб, унинг 67 фоизи хотин-қизларимиз ҳиссасига тўғри келгани гоятда қувонарли.

Давлатимиз раҳбари Кўксарой қароргоҳида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган байрам тадбирида ўй-рўзгор ишлари ва фарзанд тарбиясидан ортиб, таълим олаётган, меҳнат қилаётган ва тадбиркорлик билан шуғулланаётган хотин-қизлар замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари эканини алоҳида таъкидлади. Янги Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оғирини енгил қилиш, улар учун барча соҳаларда зарур шароитларни яратиб бериш доимо давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолиши қайд этилди. Бу давлат ва жамият ҳаётида ташаббускор, шижоатли аёлларимиз сафи тобора кенгайиб боришига замин ҳозирлайди. Ҳар бир аёл оиланинг, жамиятнинг таянчи, умиди, бахтидир.

Гавҳарой ТОЖИХОНОВА,
Марҳамат тумани «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғи-
ни ҳоким ёрдамчиси, “Шуҳрат” медали соҳибаси:

- Тўғриси айтсам, бундай эътиборни кутмаган эдим. Кўксарой қароргоҳида ўтган байрам тадбирида иштирок этиб, Президентимизнинг қўлларидан мукофот олаётган чоғимда кўнглимда ўтган ҳаяжон ва қувончни сўз билан таърифлай олмайман. Ниҳоятда мамнун бўлдим. Ундан ҳам кўпроқ маъсулиятни ҳис қилдим. Бу ишонччи оқлаш ва ҳамиша муносиб бўлиш учун ўз олдимга янги мақсадларни қўйдим.

Бугунги кунда мамлакатимизда аёлларнинг жамиятдаги ўрни кенгайиб бормоқда. Оила мустаҳкамлиги, фарзанд тарбияси каби масалаларга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Ижтимоий-ҳуқуқий ҳимояга муҳтож, оғир ижтимоий аҳволда қолган, жумладан, оилавий муаммоларга, турмушида зўравонликка дуч келган аёлларни аниқлаш, улар билан яққа тартибда профилактик тадбирлар ўтказиш ва шу орқали соғлом турмуш тарзига қайтариш энг долзарб масалага айланди. Буни чуқур англаган ҳолда иш фаолиятим давомида ҳудудимиздаги ҳар бир аёл ҳаётдан, орзу-мақсадлари, ташвиш-муаммоларидан боҳабар бўлишга, турли оғир вазиятларга тушиб қолган опа-сингилларимизга ёрдам қўлини чўзишга вақтимни ҳам, кучимни ҳам аямайман.



Ойгул ШОМУРАТОВА,
Термиз туман ободонлаштириш бошқармаси гул етиштирув-
чиси, “Дўстлик” ордени соҳибаси:

- Орден билан мукофотланганимни эшитганимда хурсандлигимдан ичимга сиғмай кетдим. Неча кун ўтдики, ҳали ҳам ҳаяжоним босилгани йўқ. Бундай юксак даражада меҳнатим эътироф этилади, деб ҳеч ўйламаганман. Бу Термиз тумани ободонлаштириш бошқармасида иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай меҳнат қилаётган барча аёлларнинг ҳам ютуғи, ҳаммамизга берилган рағбатдир. Шу билан бирга юртимизда ҳар бир хотин-қизнинг ўз ўрни, қадрли борлигини яна бир қарра тасдиқлайди.

Чиндан ҳам сўнги йилларда биз, аёлларнинг оилада ва жамиятда ўрнимизни, мавқеимизни янада ошириш йўлида қилинаётган ишларни ҳаётимиздаги яхши ўзгаришлар, яратилаётган енгиллик ва қулайликлар мисолида кўриб-билиб турибмиз. Бундай гамхўрлик, шароит



ва имтиёзлар янги мақсадларга, янги марраларга руҳлантирмоқда. Янгиликлар яхшиликларга уланаверсин, ҳар бир аёл бахтли, саодатли яшасин, дейман. Бунга унинг тўла ҳаққи бор.

“Ўзбекистон овози” муҳбири
Хуршидабону НАЗАРОВА ёзиб олди.

2025 ЙИЛ — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА “ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ” ЙИЛИ

ЮРТИМИЗНИНГ ЯШИЛЛИК ДАРАЖАСИ ЯНАДА ОРТАДИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу сазй-ҳаракатлар замирида чўлланиш, ҳаво ифлосланиши каби муаммоларни юмшатиш, ҳудудлар қиёфасини гўзаллаштириш, яшилликка бурканган манзилларни кўпайтириш ва одамлар ҳаёти сифатини яхшилаш мақсадлари мужассам.

Одилжон ИМИНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси-
даги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

-Яшиллаштиришнинг асосий афзалликларидан бири ҳаво сифатини яхшилашдир. Зотан, экологик муаммолардан биринчи навбатда ижтимоий ёрдамга муҳтож аҳоли кўпроқ зиён кўради. Чунки, оддий мисол, ҳамма ҳам уйига сувни ёки ҳавони тозаловчи фильтрларни қўйиш имкониятига эга эмас. Агар биз экологик муаммоларнинг самарадор ечимларини амалиётга йўналтирсак, ўз-ўзидан жуда кўплаб ижтимоий масалаларда ҳам янги қадамларни қўйган бўлаемиз.

Яна бир жиҳат. Кўчат экиш мавсумларида ҳақ тўланадиган жамоат ишларида ишсиз аҳолини, биринчи навбатда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни фаол жалб этишга эътибор қаратилади.

Шунингдек, экология соҳасига ихтисослашган олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш масаласи ҳам долзарб бўлиб турибди. Айтилик, эколог-биолог, экохимик, экологик аудитор, нутрициолог каби кўплаб замонавий касбларга кундан-кун эҳтиёж ортмоқда. Шунини инобатга олиб, олий таълим бўғинида минглаб ёшларни экология билан боғлиқ касбларга йўналтириш учун янги мутахассисликлар очилиши айтиш мумкин.

**БАҲОРДА 125
МИЛЛИОНТА КЎЧАТ**

Шу кунларда айтиш кўчат экиш мавсуми қизгин паллага кирмоқда. Юртимизда

“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида олиб борилаётган ишлар тобора кенг қамров касб этмоқда. Лекин бу ишлар қутулган натижани беряптими? Экин мавсумида нималарга эътибор қаратилапти? Кўчатлар қандай парваришланыпти ва қандай танланыпти?

Бу саволларимизга жавоб олиш учун соҳа мутахассисларига юзландик.

Ўлмас СОБИРОВА,
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги бўлими бошлиғи:

-Биласиз, Ўзбекистон иқлими жуда ўзгарувчан. Баъзи ҳудудларимизда намлик юқори ёки меъёрида бўлса, баъзи жойлар қурғоқчиликка мойил. Кўчатларни экишда ва танлашда биринчи ўринда шу масалага эътибор қаратаймиз. Сўнг уларнинг ҳар бирини парваришлаш учун масъуллар бириктирилиб, “yashilmakon.eco” электрон платформасига киритиб борилмоқда. Ўтган йиллар давомида бу борада етарлича тажриба тўпладик, хатолардан сабоқ чиқардик.

Жумладан, вазирлигимиз томонидан 2024 йил кузги кўчат экиш мавсуми илмий асосланган ҳолда эълон қилинди. Вегетация мuddати тугаши билан 8 ноябрда республикамизнинг тоғли ҳудудларида, бошқа ҳудудларда 12 ноябрда, Сурхондарё вилоятларида эса 15 ноябрда кўчат экиш ишлари бошлангани яхши натижа берди. Йил давомида 253 та сув қудуғи қазилиб, 3,2 минг км суғориш тармоғи барпо этилди. Сувсиз ҳудудларга 1900 дан ортиқ махсус техника жалб қилинди. Республикаимизнинг шаҳар ва туманлари марказларида жами 347 гектар майдонда “яшил боғлар” яратилди.

Жорий йилда орттирган тажриба ва билимларимиздан янада самарали фойдаланишни мақсад қилганмиз. Баҳор мавсумида 125 млн, кузда 75 млн туп дархат ва бутта ниҳоллари экиш, “Яшил боғлар” сонини

700 тадан ошириш режалаштирилган. Хусусан, йирик sanoat корхоналари ва уларга туташ ҳудудларда 10 миллион туп кўчатдан иборат “яшил белбоғ”лар яратилади. Йил давомида ўрмон муҳандиси, биолог-ботаник, дендролог, тупроқшунос, ирригатор, гидрогеолог, гидролог каби мутахассислар иштирокида тегишли ҳудуд тупроқ-иқлим шароитига мос кўчат турларини танлаш, экиш, парвариш қилиш ва суғориш бўйича илмий-амалий семинарлар ташкил этилади.

**ГАЛОФИТ БОҒЛАРИ
БАРПО ЭТИЛАДИ**

Бобур ҲУСАНОВ,
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги масъул ходими:

-Бу йилдан бошлаб яна бир янгилик жорий этилмоқда. Яъни, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Бухоро, Навоий, Қашқадарё вилоятларининг танланган ҳудудларида 1 тадан, жами 5 та галофит боғлари ташкил этилади. Ҳўш, галофит боғлари нима ўзи?

Шўр ва сувсизликка чидамли ўсимликлар тури галофитлар дейилади. Мутахассисларнинг фикрига кўра, дунёда у ёки бу тарзда галофитларга тегишли бўлган 3 мингга ақин ўсимлик турлари мавжуд. Галофитларнинг аксарияти ўсимлик, аммо бутун бир ўрмонларни ҳосил қиладиган наботот турлари ҳам мавжуд. Тупроғи шўр ерларимизда улардан фойдаланиш самарали натижа бериши аниқ.

Бундан ташқари, барча ҳудудларда кўчатчилик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни тўлиқ хатловдан ўтказиб, экиладиган ниҳолларнинг захираси яратилмоқда.

Баҳор мавсумида кўчат сотиш ярмаркалари ва савдо нуқталари фаолияти йўлга

қўйилади. Республиканинг мавжуд иқлим зоналари ва улардаги шароитлардан келиб чиқиб Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Сурхондарё, Жиззах, Фарғона ва Тошкент вилоятларида “ин-витро” лабораториялари ташкил этилади. Бу эса ўрмон зоналарини кенгайтиришга хизмат қилади.

**ОРОЛ ТУБИДА “ЯШИЛ
ҚОПЛАМАЛАР”**

Зафар ЭШОНҚУЛОВ,
Ўрмон хўжалиги агентлиги масъул ходими:

- Бу йил ана шундай ҳудудларнинг ўзида 250 минг гектарда “яшил қопламалар” - химоя ўрмонзорларини барпо этмоқчимиз. Шунингдек, тоғли, водий, тўқай ҳудудларда ҳам ўрмонларни кенгайтириш тадбирлари олиб борилади. Орол денгизи тубида 100 минг гектар флора ва фаунадан иборат “яшил қоплама” яратилиб, Оролбўйи минтақасидаги ўрмонзорлар майдони 2,1 миллион гектарга етказилди. Бунинг учун биринчи навбатда ўсимликлар дунёсини яратиш, 1 йиллик, кўп йиллик, кўкка бўй чўзадиган дарахтларни экишимиз зарур. Яшиллик бор жойда тириклик бор, ҳаёт бор. Шу маънода юқорида санаб ўтилган аниқ чора-тадбирлар самарасида республикамизда яшиллик даражасини жорий йил якунига қадар янада оширишни мўлжаллаялми.

Инсон саломатлигини таъминлашнинг 17 фоизи экологик омилларга боғлиқ бўлгани каби жамиятда ижтимоий барқарорликни қарор топтириш бу масалага жиддий ёндашувни талаб қилади. Айтиш соҳадаги ислохотлар мазмун-моҳиятан Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг гоё-ташаббуслари билан ҳам уйғундир.

Хуршидабону НАЗАРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.

СЎЗ – ЎзХДП ЕТАКЧИЛАРИГА

ХАЛҚ ЭҲТИЁЖЛАРИДАН УЗИЛИБ ҚОЛМАЙЛИК...

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ПАРТИЯ КЕНГАШИ РАИСИНИ ЭШИТАМИЗ!



Бугун жойларда ҳаёт қайнаган, ислохотлар қўлами кенг. Ҳар қадамда ўзгаришларга гувоҳ бўламиз. Ана шундай муҳим паллада маҳаллий Кенгашлардаги ХДП депутатлари нималар билан машғул, жойлардаги партиямиз ташкилотлари-чи? Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида ЎзХДП Тошкент вилоят кенгашига бордик. Мақсадимиз вилоят партия кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги ЎзХДП депутати Акмал Умаралиев билан суҳбатлашиш эди.

Партия биносига кириб борганимизда вилоят партия кенгаши раиси ўз хонасида бир гуруҳ сайловчилар билан гаплашиб турган экан. Бизга маълум бўлишича, шу кунги оҳангаронлик сайловчилар мурожаат билан келишган. Уларнинг айтишича, тумандаги “Нуробод” маҳалласида жойлашган техникум биноси таъмирталаб ҳолатда, спорт зали ҳам ачинарли аҳволда. Сайловчилар техникумни таъмирлаш масаласида ёрдам сўрашган.

– Ушбу мурожаат ижобий ҳал этилиши учун астойдил ҳаракат қиламан. Аввало, муаммо юзасидан таклифлар тайёрлаймиз, мутасадди ташкилотлар раҳбарларига депутатлик сўровлари жўнатамиз. Одамларимизнинг хоҳиш-иродаси амалга ошмагунча тинчимайми, – деб партия кенгаши раиси бизни хонаси томон бошлади.

Гап орасида яна шундай деди: –Энди тасаввур қилинг, ҳар бир туман, шаҳар, вилоятнинг қанчадан-қанча депутати, халқ сайлаган вакиллари бор. Ҳамма юраги ёниб ишласа, ишонччи оқлаш учун беҳаловат бўлса, қанчадан-қанча мурожаатлар ҳал бўлади, одамларни ўйлантираётган кўпдан-кўп муаммолар ечилади. Шундай масалалар борки, вақт ҳам, катта маблағ ҳам талаб этмайди. Шунчаки эътиборнинг ўзи уни ҳал қилиш учун етарли. Фақат депутат сайловчилари учун жон куйдирса бўлди...

– Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларда ХДП катта куч ва салоҳиятга эга. Сиз етакчилик қилаётган партия ташкилоти ана шу имкониятдан қай даражада фойдаланмоқда? Кўзга кўринарли ташаббуслар ҳақида нима деиши мумкин?

– Айтиш керакки, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз жойларда Халқ демократик партиясининг сиёсий манфаатларини ифодалайдиган, химоя қиладиган энг муҳим кучдир. Маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз фаолиятга назар ташласак, мақтовлар ҳам, танқидлар ҳам бор...

Ўтган йилнинг октябрь ойида ўтказилган сайлов натижасига кўра, халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига иккинчи ўринда 13 нафар депутат сайланди. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларида ЎзХДП депутатлари 106 нафарни ташкил этади. Шундан 35 нафар хотин-қизлардир.

Бугун ўзгаришлар катта, ислохотлар қўлами кенг. Депутатлар ҳам шунга яраша фаол бўлиши, ўзгаришларга тайёр туриши керак, деб ўйлаймиз. Бу кўпнинг вакили учун муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Шундан келиб чиқиб, аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ масалаларда парламент ва депутатлик назорати тизими йўлга қўйилган. Таҳлил қилиб кўрадиган бўлсак, кейинги пайтларда мамлакатимизда ислохотларнинг марказий нуқтасига чиқаётган муҳим соҳаларда депутатлик назорати олиб борилди ва улар сессиялар кун тартибига киритилди.

Масалан, партияимизнинг амалий Ҳаракатлар дастури ижросини таъминлашда Тошкент вилоят партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари томонидан бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Дастурда бандлик, таълим, соғлиқни сақлаш, транспорт, қурилиш, уй-жой, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва жойларда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлан-

тириш масалаларига оид 92 та масала камраб олинди.

Амалий Ҳаракатлар дастуридаги йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунлари, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ижроси жамоатчилик ва депутатлик назорати сифатида ўрганилди ва шундан келиб чиқиб, 90 та масала партия гуруҳлари, 90 та масала доимий комиссия йиғилишига ва 82 та масала сессия кун тартибига олиб чиқилди, партия электорати манфаатларига доир тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди.

Шунингдек, ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган 275 та депутатлик сўровлари юборилиб, шундан 197 таси ижобий ечим топди. Бундан ташқари, 88 мартаба жойлардаги ҳудудий раҳбарлар ва мансабдор шахсларнинг ҳисоботлари ва ахборотлари эшитилди.

Амалий Ҳаракатлар дастури туманлар кесимида таҳлил этилганда Пискент, Тошкент, Юқори Чирчиқ, Бўстонлиқ туман ва Чирчиқ шаҳар Кенгашлари партия гуруҳлари самарали ва тизимли иш олиб боришди.

Рақамлардан кўриниб турибдики, жойларда ечимини кутаётган масалалар оз эмас. Фуқароларни ўйлантираётган ижтимоий масалалар қай даражада самара ва натижа бераётгани депутатлик назоратини олиб бориш давомида янада яққол, аниқ кўринади. Қонунлар, қарор, дастурлар ва бошқа муҳим ҳужжатларнинг ижроси, яъни, рўёбини билиш учун кўпроқ одамлар орасида бўлиш, ҳар бир маҳаллага, ҳар бир хонадонга кириб бориш керак.

Кўзга кўринарли муҳим ташаббусларга тўхталадиган бўлсам, биз бир қатор лойиҳаларимиз билан маҳаллаларга, сайловчилар орасига кириб бораёмиз, улар билан елкама-елка тураёмиз.

Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга маҳаллий Кенгаш депутатларини бириктирган ҳолда уларнинг муаммосини босқичма-босқич ҳал этиш, ижтимоий-ҳуқуқий ва психологик ёрдам кўрсатиш мақсадида “Аёлларга кўмак” лойиҳаси ўтказилди. Мазкур лойиҳа доирасида 122 та тадбир ташкил этилиб, 435 нафар ижтимоий кўмакка муҳтож, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларнинг муаммолари ўрганилди. Жумладан, 15 нафар ногиронлиги бор хотин-қизларга аравача, 12 нафарига кўлтиқтаёқ ва эшитиш мосламаси олишга кўмак берилди. Шунингдек, депутатлар кўмагида 3 нафар хотин-қиз янги уй-жой билан таъминланди. 6 нафарига тикув машинаси олиб беришда ёрдам кўрсатилди.

“
ҲАММА ЮРАГИ ЁНИБ ИШЛАСА, ИШОНЧНИ ОҚЛАШ УЧУН БЕҲАЛОВАТ БЎЛСА, ҚАНЧАДАН-ҚАНЧА МУРОЖААТЛАР ҲАЛ БЎЛАДИ, ОДАМЛАРНИ ЎЙЛАНТИРАЁТГАН КЎПДАН-КЎП МАСАЛАЛАР ЕЧИЛАДИ. ШУНДАЙ МАСАЛАЛАР БОРКИ, ВАҚТ ҲАМ, КАТТА МАБЛАҒ ҲАМ ТАЛАБ ЭТМАЙДИ. ШУНЧАКИ ЭЪТИБОРНИНГ ЎЗИ УНИ ҲАЛ ҚИЛИШ УЧУН ЕТАРЛИ. ФАҚАТ ДЕПУТАТ САЙЛОВЧИЛАРИ УЧУН ЖОН КУЙДИРСА БЎЛДИ...

тилди. 178 нафар аёлга ҳуқуқий-психологик ёрдамлар кўрсатилди.

Ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ҳаётига интеграция жараёнидаги мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида “Тенг ҳуқуқ – тенг имкониятлар” лойиҳаси доирасида 44 мартаба тадбир ташкил этилди. Тадбирларда 150 нафар ногиронлиги бўлган шахсларга амалий кўмакқилинди.

Аҳоли турмуш даражасини янада яхшилаш, камбағалликни қисқартириш, муаммоларни тезкорлик билан жойида ҳал этишга қаратилган 87 мартаба “Депутат маҳаллада” лойиҳаси амалга оширилди. Депутатлар томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш мақсадида 95 мартаба сайёр қабуллар ўтказилиб унда 2152 нафар фуқаро катнашди, ушбу сайёр қабулларда 635 та муаммоли масала кўтарилди, шундан 540 таси ижобий ҳал этилди, қолган масалалар депутатлар томонидан назоратга олинди.

Муҳими, қанча йиғилишда иштирок этганимиз эмас, одамларнинг мушкуллини осон қилувчи таклифлар, масалаларни кўтарганимизда, деб ўйлайман. Қайси тизим, қайси соҳа яхши ишламаётгани, аҳоли нималардан норози эканини кўпроқ уларнинг ўзидан эшитамиз. Фуқаролардан олинган маълумотлар асосида камчиликларни туман ҳокимига айтган вақтларимиз кўп бўлади.



– Сиз вилоят партия кенгаши ишидан шахсан ўзингиз қониқасизми? Партия кенгаши йўл қўйган хатолар сизнингча, нималардан иборат? Камчиликлар қандай ва қайси пайтда ижобий тенденция томон силжийди?

– Эътиборга молик ишлар кўп, албатта. Аммо бу — соҳада барча ишлар рисоладагидек дегани эмас. Янада фаол ишлаш, катта-катта ташаббуслар билан чиқиш учун ишга солинмаган имкониятларимиз бор, шундан унумли фойдаланишимиз керак.

Бир нарсани аниқки, мамлакатимизда йилдан-йилга демократик муҳит тобора мустақамлашиб бораёти. Бир пайтлар қуруқ ҳисобот бериш, шунчаки қўл кўтариб, тасдиқлаш билан ўтган сессияларимиз ҳозир жонланган. Депутатларимизнинг сессиялардаги иштироки анча фаоллашган.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, сессияда фикр-мулоҳаза ва таклифларимиз қабул қилиниши учун тортишишга, баҳслашишга тўғри келади. Чунки депутат кўп, уларнинг ҳар бири ўзи сайланган сиёсий партиянинг манфаати, электорати истакларидан келиб чиқиб, қарор қабул қилинишини истайди. Шунга қарамай, тўғри айтилган фикрни қўллаб-қувватлаш, ягона тўхтамга келиш йўлини топаёмиз.

Вилоят партия кенгаши ташаббуси билан “Депутатнинг бир куни”, “Кенгаш раисининг фаолияти”, “Депутатлик сўровлари натижадорлиги” каби мавзуларда вилоят, туман, шаҳар кенгашларида тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Шунингдек, ишимиз натижадорлигини сарҳисоб қилиш учун ҳар чорак охирида депутатлар билан анжуман ташкил қилинади. Бу анжуманда фаол депутатлар ўз фаолияти ҳақида маълумот беришади. Бу эса янги сайланган депутатлар учун амалий дарс бўлади.

Очигини айтиш керак, муаммо ва мурожаатлардан қочиб юрадиган депутатлар ҳам йўқ эмас. Айттайлик, ўзига юклатилган вазифаларга эътиборсиз қараб келаётган партия гуруҳлари ҳам бор. Масалан, вилоятимизда ичимлик суви муаммосидан қийналиб келаётган ҳудудлар мавжуд. Қишлоқларда, маҳаллаларда ички йўллари таъмирлаш, шунингдек, иссиқлик таъминоти масаласи, электр энергия, тунги чироқлар йўқлиги билан боғлиқ қатор муаммолар аҳолининг ҳақли эътирозлари га сабаб бўляпти.

Ушбу масалаларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари раҳбарларининг ахборот ва ҳисоботлари етарлича эшитилмасдан қолмоқда. Аксарият ҳолларда партия гуруҳлари масалани муҳокама-ларга олиб чиқиш билан чекланиб, қабул қилинган қарорлар ижроси назоратсиз қолиш ҳолатлари кузатиляпти. Ваҳоланки, энг муҳими эришиладиган натижадир. Ўз ишига виждонан ёндашадиган депутат эртага сайловчилар ҳузурига нима, деб бориши ҳақида ҳам ўйлаб кўради.

Партия сафига янги аъзоларни жалб қилиш борасида қилинадиган ишларимиз кўп. Сайловчилар билан мулоқотлар-

ни кўпайтириш, сайёр қабуллар ташкил этиш, вилоятнинг ҳар бир ҳудудига кириб боришга ҳаракат қиламиз. “Депутат маҳаллада”, “Уйма-уй”, “Тиббий кўрик”, “Депутат ва ёшлар”, “Сафимизда ёшлар” лойиҳалари асосида амалий тадбирлар режасини туздик.

– Ютуқлар ҳақида гапирдик, хато ва камчиликларни санаб ўтдик. Келинг, энди бевосита партиянинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш масаласига тўхталсак. Бундан кейин нимани кутсак бўлади? Яна бир савол. Юқорида муаммоларни айтдингиз.

Ҳўш, сиз бу муаммоларни тўлиқ бар-тароф этишга ваъда бера оласизми?

– Яқинда вилоятимиздаги 33 та ташкилотда партияимизнинг янги бошланғич ташкилотлари тузилди. Йил охирига қўйи бўғинлар сонини 969 тага етказиш мақсадимиз бор.

Партияимиз тизимида ўтказиладиган “Ёш сиёсатчи” кўрик-танлови орқали бизга хайрихоҳ бўлган ёшлар сафи кенгайиб бормоқда. Ўтган йили ушбу лойиҳа орқали минглаб янги аъзолар партияимиз атрофида бирлашди.

Бугунги кунда партия сафида 63126 нафар аъзо бўлиб, улардан 29748 нафарини аёллар, 18962 нафарини ёшлар ташкил этади. Январ ойида 2109 нафар аъзо қабул қилинган бўлиб, уларнинг 862 нафарини аёллар, 560 нафарини ёшлар. Шунингдек, қўйи бўғин электоратимиз билан “Сиёсатчи аёл” кўрик-танлови, “Сиёсатдаги ёшлар” интеллектуал турнир ўтказиш-ни режалаштираяёмиз.

Депутатлик бирлашмалари ва партия ташкилотлари маълум мурожаатларни ҳал этиш билан бирга, ҳудудларда партия электорати манфаатларига хизмат қиладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижро ҳолати ҳақида аниқ ҳулосани шакллантириши керак, деб ўйлайман.

Шу муносабат билан фаолиятимизнинг барча даражасида депутатлик ва жамоатчилик назоратини кучайтиришни режалаштирганмиз. Бу орқали маҳалла, туман ва шаҳарларнинг ижтимоий ривожланиш ҳолатини тизимли равишда мониторинг қиламиз.

Умуман олганда, камчиликлар устида ишлаб, партия ташкилотлари фаолиятини янада кучайтириш, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари нуфузини ошириш бўйича қатъий режаларимиз бор. Имкониятларимиз кўп, ваколатларимиз ҳам етарли. Ишонманки, режаларимизнинг барчаси амалий натижаларимизда акс этади. Энг муҳими, халқ эҳтиёжларидан узилиб қолмасликка ҳаракат қиламиз.

Тўғри, амалга ошириляётган эътиборга молик ишлар кўп, лекин жараён тўхтаб қолмаслиги, вақт ўтгани сари изчил тус олиши керак. Йил бошланганига ҳали кўп бўлмади, олдinda ҳали вақт ҳам бор. Кўрамиз, кузатамиз, биринчи ярим йилликда вилоятдаги барча депутатларнинг ташаббусини фаол ёритишга биз ҳам умид қиламиз.

Ҳўш, депутат сифатида сиз ишингиздан қай даражада қониқасиз? Маҳаллий Кенгашлардаги бугунги вазият, ҳақиқий манзара аслида қандай? Кейинги сонларимизда бошқа вилоятлардаги депутатларимиз, маҳаллий партия ташкилотларимиздан шу саволларга жавоб излаймиз. Кутинг, кейинги манзил сизнинг ҳудудингиз бўлиши мумкин.

**“Ўзбекистон овози” муҳбири
Лазиза ШЕРОВА
суҳбатлашди.**

«АСАБИЙ» БОҒЧА ОПАЛАР КЕЛТИРАДИГАН САЛБИЙ ОҚИБАТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Жиззахда 3 ёшли боғча боласининг ўлимига сабабчи бўлганларга суд ҳукми ўқилди. Сурхондарёдаги боғчада 5 ёшли болани урган тарбиячи ишдан олинди. Нукусдаги хусусий боғчада болаларга кўполлик қилинган аниқланди. Тошкент вилоятидаги боғча ходими болаларни гимнастика таъқиси билан урди. Яна қайсидир боғчада тарбиячиси болани тепиб, турткилагани акс этган видео тарқалди. Булар ҳақида эшитган ҳар қандай кишининг эти жиғирлаб кетади.

Болаларга қўл кўтариш, зўравонлик қилиш қонунан ҳам мумкин эмас. Ўзбекистонда бола ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинади? Дастлаб ушбу саволга жавоб топиш мақсадида депутатларга юзландик:

– Болалар муаммолар қаршида оғир-оғир. Улар ноҳақликларга жавоб қайтаролмайди, ўз ҳуқуқларини билмайдиган, бунинг учун курашишга қодир бўлмаган жамият аъзосидир. Шунинг учун ҳам уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари алоҳида қонуний меъёрлар билан тартибга солинган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Қизилгул Қосимова. – Бугунги кунда миллий қонунчилигимизда бола ҳуқуқлари билан боғлиқ 40 дан ортиқ қонун ҳужжатлари, 500 дан ортиқ қонунчи ҳужжатлари мавжуд.

Айтайлик, 1989 йил 20 ноябрда БМТ томонидан Бош Ассамблеянинг 44/25-Резолюцияси билан “Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция” қабул қилиниб, 1990 йилнинг 2 сентябрь санасида кучга кирган. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги ушбу конвенция, ҳар бир боланинг индивидуал ҳуқуқларини аниқ кўрсатиб берувчи биринчи ва асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади. Ушбу конвенциянинг жаҳон болаларининг ўзига хос халқаро Конституцияси дейиш мумкин.

Ушбу конвенцияда болалар ўзининг ирки, дини, тана ранги, жинси, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан қатъи назар, жамиятнинг барча аъзоларига хос бўлган кадр-қимматга, алоҳида ғамхўрлик ва ёрдам ҳуқуқига эга экани бошқа ҳужжатлардаги каби алоҳида тилга олинади.

Шунингдек, ўтган йили 14 ноябрь куни давлатимиз раҳбари томонидан узоқ кутилган «Болаларни барча турдаги зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун имзоланди.

Қонун 2025 йил 15 майдан кучга киради. Мазкур ҳужжат болаларни зўравонликнинг барча шакллари билан ҳимоя қилиш бўйича умумий ва индивидуал чора-тадбирларни белгилаб беради.

Болалар ҳар доим ғамхўрликка, меҳрга муҳтож бўлади. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари хоҳ у оилада бўлсин, хоҳ таълим масканда бўлсин, тўлиқ қафолатланиши шарт. Чунки бу боланинг шахс сифатида шаклланиши, давлат ва жамият истиқболи мустақкам бўлиши учун муҳим.

Хўш, нега боғчаларимизда болаларнинг тўлиқ ҳимояси таъминланмаяпти? Саҳифамизда бундай нохуш воқеаларнинг сабабларини ўрганишга ҳаракат қиламиз.

МАКТАБГАЧА ВА МАКТАБ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИ: 32 НАФАР РАҲБАР ВА ТАРБИЯЧИ ИШДАН ОЛИНДИ

Шу йилнинг 6 март куни Мактабгача ва мактаб таълими вазири Хилола Умарова давлат ва нодавлат мактабгача таълим тизими масъуллари билан учрашувда бу ҳақда айтиб ўтди.

Видеоконференция шаклида ташкил этилган мулоқотда республикадаги 38 мингдан ортиқ мактабгача таълим ташки-



лотлари раҳбарлари иштирок этди.

Вазир “Бир ҳақиқатни яхши англаб олишимиз зарур: болаларга ҳар қандай шаклда куч ишлатиш, уларни турли усулларда жазолаб тарбиялаш асло мумкин эмас. Бунинг тизимда ишлаётган ҳар бир раҳбар, педагог, тарбиячи ва ёрдамчи ҳам бир-



дек тушуниши, шу тартибга риоя этишлари шарт”, – дея боғча раҳбарлари эътиборини ушбу салбий ҳолатларга қаратди.

Таъкидландики, биргина ўтган йилнинг ўзида айни шу масалада вазирликка юзлаб мурожаатлар келиб тушган. Натижада 32 нафар раҳбар ва тарбиячи лавозимидан озод этилган, 3 нафари жавобгарликка тортилган, 15 нафарига интизомий чора кўрилган, 15 та хусусий боғчага берилган лицензия бекор қилинган.

“Таълим-тарбия куч ишлатишдан холи бўлиши лозим. Болаларга нисбатан кўполлик қилган ёки шафқатсизларча муносабатда бўлган тарбиячи, педагогга қонун доирасида чора кўрилади. Узр, оғохлантиришлар билан кутулиб қолиш йўқ”, деди Хилола Умарова.

Мактабгача ва мактаб таълими вазири ҳар бир бола ўзини боғчада эркин, хавфсиз ва қувноқ хис қилишини, унга барча шароитлар яратилишини хоҳлашини таъкидлаб, ҳар бир бола учун боғчаларда “хавфсиз ва қулай муҳит” бўлишини талаб қилди.

“ИЛТИМОС, БОЛАМНИ УРМАНГ!”

Шу ўринда бизни бир савол ўйлантирди: Ўзбекистондаги боғчаларда болаларнинг калтакланиши билан боғлиқ аниқ статистик маълумотлар мавжудми? Бунга ҳеч кўзимиз тушгани йўқ. Аммо вақти-вақти билан ижтимоий тармоқларда ва оммавий ахборот воситаларида тарбиячиларнинг болаларга нисбатан зўравонлиги акс этган видеолар пайдо бўлади.

Оддийгина бир мисол, яқинда Тошкентнинг Мирзо Улуғбек туманидаги хусусий боғчада болаларнинг калтакланиши видеокамералар орқали эмас, тарбияланувчиларнинг ўйинчоғига ўрнатилган овозни ёзиб олувчи мослама орқали аниқланди.

Чунки тарбиячилар болаларни спорт зали, кийиниш хоналари ва фаоллар залида калтаклагани, аммо ота-оналар учун видеокузатув мавжуд бўлган хоналарда яхши муомалада бўлгани кўрсатилган.

Биз бу билан қимни алдаямиз? Бундай кўзбўямачилик ортидан эртага бутун жамият товон тўлашини биламизми? Чунки, бундай ҳолатлар болаларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Калтакланиши болаларда кўркув, ишончсизлик, ўз-ўзини паст баҳолаш каби муаммоларни келтириб чиқариши, уларнинг келажақдаги ривожланишига салбий таъсир қилиши мумкин.

Шу онда ўтган йили Юнусобод туманидаги 414-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотига содир бўлган бир воқеа эсга тушди. Хонага ўрнатилган кузатув камераси ёзиб олган тасвирларда тарбиячи гуруҳдаги қизалоқлардан бирига қўпол муносабатда бўлиб, қўлини силтаб, бақиргани кўринади. Боланинг яқинлари воқеадан хабар топгач тарбиячи ишдан бўшатилган.

Феруза УММАТОВА, психолог:

– Зўравонликка учраган болалар ё ниҳоятда агрессив кайфиятга, ё ниҳоятда кўрқоқ табиатга бўлиб шаклланади. Болаларнинг изтироблари бу ҳазилакам гап эмас. Чунки унинг келажаги болалик хотиралари ва кўникмалари асосида қурилади.

Бола ҳам яхши гапни билади, тўғри тушунтирсангиз тушунади. Аммо бақириб, калтаклаш, инкор қилиб силташлар орқали уни тинчлантирмакчи бўлсангиз, бу орқали болага тўғридан-тўғри “кўрқоқлик”, “ишончсизлик” ва “ривожланма”, деган программаларни ўрнатаётган бўласиз... Шунинг унутмайлик, калтаклар ҳеч қачон

болани тарбиялироқ қилмайди. Олимлардан бири шундай деган: “Болани уриш тарбиядаги энг сўнгги чора бўлиши керак. Акс ҳолда, уриб натижага эриша олмасангиз, кейинги қадам болани ўлдириш бўлади”.

Таҳлилларга кўра, калтакланган болаларнинг ақлий ва жисмоний ривожланиши секинлашади. Ёшлигида кўп калтакланган 18-25 ёшли одамлар мияси текширилганда, уларнинг миясида кулранг модда кам экани аниқланган (бу модда миянинг ақлий фаолиятига жавоб беради). Ундан ташқари, кўп калтакланган болалар агрессивлиги ва наркотик моддалар истеъмол қилишга мойиллиги билан ажралиб туради.

Яна бир салбий жиҳати, болада кучлилар доимо ҳақ, деган қараш мустақкам ўрнашиб олади. Бу эса болаларни бутун умри давомида таъқиб қилади, турли муаммоларни келтириб чиқаради. Кичиклигида унга кучлилар тарафидан қилинган ҳар қандай ноҳақликни оддий ҳолдек, қаршиликсиз қабул қилади (бу бола учун хавфли бўлиши ҳам мумкин). Бу эса катта бўлганда ўзининг золим бўлиб қолишига ёки зулмларга чидаб, бахтсиз ҳаёт кечирishiга олиб келиши мумкин.

Бу воқеа нари борса бир, икки кунда тарбиячининг эсидан чиқиши мумкин, аммо боланинг руҳиятини бутун умрга жароҳатлайди. Кичиклигида берилган руҳий зарбалар келажақда ҳам уни доим таъқиб қилиб, эркинлиги ва ҳаётига таъсир қилади.

Юраги тош боғча опа жазоланар, масъулиятсизлар ҳам жавобини олар, бироқ психологик жароҳатлар билан ўсаётган авлоднинг кейинги тақдири-чи? Яқин келажақда

– Ўйлашимча, бу аввало, тарбиячида касбий маҳорат етишмаслигидан келиб чиқади. Чунки юксак педагогик маҳоратга эга бўлган тарбиячи болани тушуна олиши, унга инсоният инсонпарвар муносабатда бўлиши, болалар билан босиқ муомала қилиши керак. Бунинг учун аввалдан сабр-бардод, кунт билан ўқиши, ўз устидан ишлаш, болаларнинг руҳиятини, уларнинг ривожланиш хусусиятларини чуқур ўрганиб, таҳлил қилиш ва энг асосийси, уларга меҳр бера олиш зарур.

Шунингдек, таҳлилларга кўра, “асабий” тарбиячиларнинг аксарияти оиласида муаммо борлигини айтишади. Яъни, улар ўз ҳаётидан мамнун бўлмасан, ишидан кўнгли тўлмасан, атрофга норозилик кайфиятида бўлган вақтида боланинг хархашасига портлаб, ҳаттоки қўл кўтаришгача боришади. Тарбиячининг хотиржамлиги бўлмасан, асабий зўриқиш ҳолатида юрган кадрлар яхши қарайди? Бундай вазиятда аксарият тарбиячилар болаларнинг шўхлигини, хархашасини кўтара олмайди, боладан аламини олишга ҳаракат қилади.

Хуллас, тарбиячининг психологик ҳолати яхши бўлса, фарзандимиз ишончли қўлларда бўлади.

* * *

Хўш, мактабгача таълим ташкилотига педагогик маҳорати етарли эмас, бунга психологик томондан ҳам тайёр бўлмаган, асабий зўриқиш ҳолатида юрган кадрлар нега ишга олинади? Ёки 25-30 нафар болага битта тарбиячи қарай оладими?

Тадбиркорларга берилмаётган имтиёзлар, яратилмаётган имкониятлар сабаб бугун



улар бир оила боши, фарзанд тарбиячиси, ташкилотларда етакчи ва ҳатто, бошқарувчи лавозимини ҳам эгаллайди. Ана ўшанда боланинг болаликдаги кечинмалари ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди. Зўравонларнинг бугунги қилмиши боланинг бутун ҳаёти давомида ҳамроҳ бўлади. Шу тариқа жамиятнинг энг ёмон одатлари чархпалакнинг челагидаги сув мисоли авлоддан-авлодга ўтиб бораверади.

Зотан, давлатимиз раҳбарининг шундай гапи бор: «Биз учун жамиятда бегона бола йўқ ва бўлмаслиги керак. Ҳаммаси ўзимизнинг, Ўзбекистонимизнинг болалари. Вақтида меҳр кўрсатсак, ишга, илмга, касб-уҳунарга, эзгу фазилатларга ўргатсак, уларнинг йўлини очиб берсак, эртага фойдаси ўзимизга, жамиятимизга тегади».

Ҳар бир боланинг тақдири, ҳаёти бу миллатнинг эртаси демокдир. Биз ўзига ишонган, руҳияти баян, қалби эзгуликларга тўла, ҳаётни ёрқин ва рангли тасвирларда кўрган болани улғайтирсак, келажақимиз кафолати шунча мустақкам бўлади.

ШАХСИЙ МУАММОНИНГ ЮКИ БОЛАЛАРГА(МИ?)

Одатда бола кунининг 8-9 соати боғчада ўтади. Шунча пайт тарбиячи ва энагалар қарамоғида бўладиган ўғил-қизларимиздан кўнглимиз тўқми?

Афсуски, ижтимоий тармоқларда тез-тез тарқалаётган нохуш ҳолатлар ота-оналарнинг хавотир ўтига ёғ сепгандек, бўлмоқда. Хўш, боғча опалардаги болаларга нисбатан кўпол муносабатлар, зўравонликларнинг сабаби нимада?

**Жамшид АБИЛОВ,
Янгийўл шаҳар Абу Али Ибн Сино
номидаги жамоат саломатлиги техни-
куми директори:**

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.**

22 февраль, соат 15:10 лар атрофи... Наманган вилояти Уйчи тумани «Яккатут» маҳалласи. Йўлнинг белгиланмаган жойидан 11 ёшли қиз кесиб ўтмоқчи бўлади. Катта тезликда келаётган Lacetti пиёдани уриб юборди, қиз шифохонада вафот этди. Навбатдаги қурбон...

Агар эътибор қилсангиз, бундай воқеалар кетма-кет юз бермоқда. Энг аянчлиси, авариялар мактаб ўқувчилари, ёш болалар билан содир бўлиб, энг ёмон оқибат – ўлим билан якунланмоқда. Тўғри, жажжи кизалоқ белгиланмаган жойдан ўтаётгандир, лекин Lacetti ҳайдовчиси катта тезликда ҳаракатланмаганда эди, машинани вақтида тўхтата оларди. Бундай катта тезликда автоулов бошқариш йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдиддир аслида.

Ҳар куни иш билан, бошқа муҳим ташвишлар билан кўчага чиқамиз. Йўллар тирбанд, автоуловлар кўп. Аммо ҳалигача йўл қодаларига амал қилишни ўзига эп кўрмайдиган ҳайдовчилар борлиги ташвишли. Ижтимоий тармоқларда, оммавий ахборот воситаларида деярли ҳар куни йўл-транспорт ҳодисалари ҳақидаги хабарлар қулоққа чалинади, ачинарлиси, уларнинг аксарияти ўлим билан якун топмоқда. Ҳайдовчилар ва пиёдларнинг қодаларига амал қилмаслиги, йўллардаги носозликлар, баъзида масъулларнинг эътиборсизлиги ҳам йўллардаги аварияларга сабаб бўлаётир.

Келинг маълумотларга назар ташлаймиз. Ўзбекистонда 2024 йилда 9364 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган. Бахтсиз ҳодисалар натижасида 2203 киши ҳалок бўлган, 8901 нафар фуқаро тан жароҳати олган. Юқоридаги рақамлар йўл ҳаракати қатнашчиларнинг кўпчилиги йўл ҳаракати қодаларига риоя қилмаслигини яна бир бор тасдиқлайди. Натижада бахтсиз ҳодисалар сони ортиб бормоқда.

Яна бир статистика. Яқинда АОКАда Ички ишлар вазирлигининг Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мутасаддилари иштирокида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ташкилот раҳбари Шерзод Ибрагимов 2024 йилда йўлларда ҳайдовчилар иштирокида содир бўлган қоидабузарликлар ҳақида маълумот берди.

«2024 йил давомида ҳайдовчилар томонидан қарийб 20 миллионга яқин йўл ҳаракати қоидабузарликлари содир этилган бўлиб, бунда 10 ва ундан ортиқ қоидабузарлик қилган ҳайдовчилар сони 38 мингдан зиёдни ташкил этади. Ўтган 2024 йилда қайд этилган 9 мингтадан ортиқ ЙТХларнинг 46 фоизи йил давомида 10 тадан кўп қоидабузарлик қилган ҳайдовчилар ҳисобига тўғри келади», — деди Шерзод Ибрагимов.

Республикада 5 миллиондан ортиқ транспорт воситаси рўйхатга олинган бўлса, шундан 1 миллион 250 мингтаси йил давомида умуман қоидани бузмаган, дея қўшимча қилди ташкилот раҳбари.

Рақамларни қаранг, 5 миллионга транспорт воситасининг бор-йўғи 30 фоизга яқини қоидани бузмаган. Автомашина бошқарадиган қарийб 70 фоиз ҳайдовчилар эса йўллардаги қодаларни писанд этмаган. Қайғули томони, бунинг ортидан 2203 нафар киши бевақт ҳаётдан кўз юмган. Бу шунчаки кўрқинчли рақамлар эмас, уларнинг ҳар бири сиз-у биздек одам, фарзандлар, ёшлардир. Афсуски, кимдир ота-онасидан, кимдир жигаридан, яна кимдир яқин дўстидан, кимлардир эса азиз фарзандидан айрилди. Шундай, қанчадан-қанча мурғак жонлар тез ҳаракатланган автомобиллар зарбидан узилган. Бошқа бировлар эса ногирон ёки оғир ярадорга айланди.

Аслида йўллардаги ўлимнинг биттасини ҳам нормал ҳолат, деб қабул қилиб бўлмайди. Чунки бу фақат ўша ҳайдовчи ва ўша пиёданинг эмас, жамиятнинг муаммоси ва фожиаси. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ечимини кутаётган жиддий муаммолардан бири — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини яхшилаш бўлиб қолмоқда.

ЭНДИ АВТОМОБИЛНИ «АГРЕССИВ» БОШҚАРГАНЛАР ТОВОН ТўЛАЙДИ (МИ)?

Эсингизда бўлса, 2018 йилнинг май ойида қабул қилинган Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича концепцияда ҳайдовчилар учун 12 баллик тизимни жорий этиши, бир йил давомида жарималари билан 12 балл йиққан шахсни ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш бўйича ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқирилиши айтилган эди. Ҳужжат лойиҳасини эса 2019 йил бошида ишлаб чиқиш режалаштирилганди. 2022 йил февралнинг биринчи ҳафтасида давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам йўл ҳаракати қодалари янгидан ишлаб чиқирилиши ва ҳайдовчилар баҳоланиши ҳақида гапирилди.

Тизим 2022 йил 1 декабрдан тест режимида ишга тузиши керак эди. Бироқ, тизим ишга тушиши кечикди. 2022 йил декабрда ЙТХ бошлиғи Олим Саидов «Газета.uz» мухбири билан суҳбатда қоида бузган ҳайдовчиларга жарима балларини ҳисоблаш тизими қонунчилик масаласи, тизимнинг техник жиҳати ва уни амалдаги тизимларга интеграциялаш якунланганидан сўнг тўлиқ ишга туширилиши ҳақида айтганди...

Уша кун келди. Жорий йил 21 февралдан бошлаб Ўзбекистонда йўл ҳаракати қодаларини бузганлик учун 12 баллик жарима тизими амалга кирди. Оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар бу ҳақида бонг урди. Йўлда ҳаракатланаётган ҳар икки одамнинг бири шу ҳақида гапиряпти.

Маълумотларга қараганда, тезликни ошириш, ҳаракат қодаларига риоя қилмаслик оқибатида кўпбал йўл-транспорт ҳодисалари рўй бермоқда. Ҳар бир кўнгилсиз ҳодиса ортида, энг аввало, инсон тақдири, унинг ҳаёти ва соғлиги турибди. Автомобиль йўлларидан инсон хавфсизлигини ишончли таъминлаш учун бу керак эди.



12 ОЙДА БАЛЛ:

ҲАЙДОВЧИНИНГ «КУНДАЛИГИ» ҚАТЪИЙ НАЗОРАТ ҚИЛИНАДИ

Йилдан-йилга йўлларда автомашиналар сони кўпаймоқда, транспорт воситасини кескин бошқариш ҳамда бошқа ҳаракатларда ифодаланганида «агрессив бошқариш» ҳолатлари ҳам кам эмас. Бу албатта, мазкур соҳани комплекс ислоҳ этиш заруратини юзага келтирди.

Келинг, мавзуга чуқурроқ қирамиз. 12 баллик тизим ҳақида атрофлича тўхталиб ўтаимиз.

Жорий йил 20 февраль куни «Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киришти ҳақида»ги қонун қабул қилинди.

Қонунчилик киритилган ўзгартиришларга кўра, ушбу баллдан кўпроқ жарима тўплаган ҳайдовчилар транспортни бошқариш ҳуқуқидан вақтинча маҳрум этилиши белгиланмоқда. Шунингдек, автомобилни маст ҳолда бошқарган ва текширувдан ўтишдан бўйин товлаган ҳайдовчилар жиноий жавобгарликка тортилади.

Қаҳрамон ХУДОЙБЕРГАНОВ, Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Ахборот хизмати бошлиғи:

– Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига киритилган қўшимчаларга кўра, йўл ҳаракати қодалари бўйича маъмурий жавобгарлик белгиланди. Яъни, йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошгани учун маъмурий жазо қўлланилади.

Бунда:

- Белгиланган ҳуқуқбузарликлар содир этилгани учун транспорт воситасининг ҳайдовчисига нисбатан мазкур ҳуқуқбузарликларда назарда тутилган асосий жазо билан бирга жарима баллари ҳисобланади. Бунда содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун ҳисобланадиган жарима баллининг энг юқори миқдори 2 баллдан ошмаслиги керак.

- Жарима баллари белгиланган ҳуқуқбузарликлардан бири биринчи марта содир этилган кундан эътиборан бир йил давомида ҳисоблаб борилади. Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун ҳисобланган жарима баллари бир йил ўтгач, транспорт воситасининг ҳайдовчисидан автоматлаштирилган тарзда ечилади.

- Ҳисобланган жарима баллари бир йил давомида 12 баллдан ошган ҳолларда, охириги содир этилган ҳуқуқбузарлик учун

белгиланган тартибда қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчи транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Масалан, ҳайдовчи светофорнинг қизил чирогидан ўтди. Демак, унга 2 балл берилиши мумкин. Баллар 12 ой давомида ҳисоблаб борилади. Белгиланган 12 баллдан ошса, охириги содир этилган ҳуқуқбузарлик учун қўшимча жазо тариқасида ҳайдовчи транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинади. Суд тартибидан бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати 6 ойдан кам бўлмайди.

ҚАЙСИ ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР БАЛЛ ЙИҒАДИ?

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ўзгартиришларга кўра, жарима баллари берилиши мумкин бўлган йўл ҳаракати қоидабузарликлари аниқ белгиланган. Бу ҳақида Тошкент шаҳар ИИББ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Ахборот хизмати бошлиғи бизга қуйидагича маълумот берди:

– Йўл-патруль инспектори қайсидир қоидабузарлик бўйича ҳайдовчига баённома тузганда жарима баллари шу жараёнда ҳисоблаб борилади. Қонун қабул қилинган кейин бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилиниши кутилмоқда. Ана шу қарордан сўнг жарима балларини аниқ ҳисоблаш тартиби маълум бўлади, – дейди Қаҳрамон Худойберганов.

– Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс «Йўл ҳаракати қоидабузарликлари бўйича ҳисобланадиган жарима баллари белгиланган миқдордан ошганлиги учун маъмурий жазо қўлланилиши», деб аталган 34-1-модда билан тўлдирилди.

Унга мувофиқ, кодекснинг 125-моддаси 3 ва 5 қисмларида, 126-моддасида, 127-моддаси 1 қисмида, 128-3-моддасида, 128-4-моддаси 2 қисмида, 128-5, 128-6, 128-8, 128-9, 129, 130-моддаларида ва 137-моддаси 1 қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилганлиги учун транспорт воситасининг ҳайдовчисига нисбатан мазкур моддаларда назарда тутилган асосий жазо билан бирга жарима баллари ҳисобланади.

Бунда содир этилган ҳар бир ҳуқуқбузарлик учун ҳисобланадиган жарима баллининг энг юқори миқдори икки баллдан ошмаслиги керак.

Жарима баллари ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлардан бири биринчи марта содир этилган кундан эътиборан бир йил давомида ҳисоблаб борилади. Ушбу модданинг

биринчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар учун ҳисобланган жарима баллари бир йил ўтгач, транспорт воситасининг ҳайдовчисидан автоматлаштирилган тарзда ечилади.

Кўпчилик бизга шундай савол берапти: «Нима учун автомобилларда дрефт қилиш, «шахмат» усулида агрессив ҳаракатлиши, маст ҳолда машина бошқариш каби ҳуқуқбузарликлар учун балл киритилмаган?», деб. Чунки, МЖТКга қўшилаётган 128-10-моддага асосан, йўлдаги бундай безорилик биринчи марта содир қилинганнинг ўзида-ёқ ҳайдовчи 1 йилдан 2 йилгача муддатга гувоҳномасидан маҳрум бўлади. Бунинг учун 12 балл «йиғиш»га ҳожат қолмайди.

ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК ҲАМ БЕЛГИЛАНДИ

Яна бир муҳим томони, айрим ҳуқуқбузарликлар учун жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Бу маст ҳолда такроран транспорт воситасини бошқариш ва мастлик ҳолатини аниқлаш учун текширувдан ўтишдан бўйин товлаш, газда ишлайдиган транспорт воситаларидан нотўғри фойдаланиш, шунингдек, ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилинган шахс томонидан транспорт воситасини бошқаришга тааллуқлидир.

Масалан, мастлик ҳолатидаги шахсни транспорт воситасини бошқаришга йўл қўйиш ёки бошқаришни унга топшириш, 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Бу Жиноят кодексининг 261-1-моддасида қайд этилган.

Шу билан бирга, эндиликда давлат рақам белгиларини қонунга хилоф равишда тайёрлаш, бировга бериш ёки улардан фойдаланиш, шунингдек, ДАН ходимлари талабига кўра, транспорт воситасини тўхтатишдан бўйин товлаш жиноий жавобгарликка тортилади.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш жараёни устидан назорат ҳам кучайтирилган. Яъни, автомобилотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, имтиҳон ўтказиш ва ҳайдовчилик гувоҳномасини бериш тартибини бузишдаги қонунбузарлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Эслатиб ўтаимиз, жарима балларини ҳисоблаш тартиби ҳукумат томонидан белгиланади. Мазкур тизим Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор лойиҳаси тасдиқлангач, кучга кириши кутилмоқда.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



